

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Тармоқ ходимлари ва юртимиз аҳлини улуғ айём, яшариш ва янгиланиш фасли билан муборакбод этади. Саховатпеша халқимиз савоб иш қилишдан асло толмасин!*





## ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Шу азиз Ватанда яшаётган
барча-барчани эзгулик элчиси
бўлмиш фусункор айём билан
самимий кутлайди.
Юртимиз тинч, халқимиз омон
бўлсин, хур Ўзбекистонимизни
файзу барака тарк этмасин!

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Оллоҳ назари тушган
муборак заминда яшаётган
халқимизга осуда ва
фарахбахш ҳаёт
ҳамиша ёр бўлсин!
Наврўз – Янги кун
юртимизга фақат эзгулик
олиб келсин!

## НАВОИЙ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Соҳа ходимлари ва барча
фуқароларни Наврўз
байрами билан
муборакбод этади.
Уларга сиҳат-
саломатлик, бахт-саодат
тилайди.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Фидокор халқимизни
ва барча тармоқ
ходимларини қадимий
Ва ҳамиша ардоқли
байрам билан
муборакбод этади.
Эл-юрт учун
камарбаста,
саховатпеша инсонлар
асло кам бўлмасин!

# НАМАНГАН ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

*Мамлакатимиз фуқароларини
ардоқли байрам — Наврўз
билан самимий қутлайди.
Қалбингизда баҳорий кайфият
гул-чечаклар очсин!
Умрингиз узун, хонадонингиз
қут-баракали бўлсин!*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Соҳа ходимлари ва мамлакатимиз фуқароларини Наврўз байрами билан самимий табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, баҳорий кайфият тилайди.



## ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Тармоқ ходимларини ҳамда мамлакатимиз фуқароларини меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзи бўлмиш Наврўз байрами билан самимий табриклайди. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин! Қалбингизни баҳорий кайфият асло тарк этмасин!

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Энг гўзал фазилатларни ўзида мужассам этган азиз устозларни Наврўзи олам билан самимий қутлайди. Толеингиз баланд, умрингиз узун бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат*

## «ХАЛҚ БАНКИ»

***Республикамиз аҳолисини «Наврўз» айёми муносабати билан самимий муборакбод этади.***

**Сиз азизларга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаган ҳолда баҳор байрами муносабати билан қуйидаги янги омонат турларини таклиф қилади:**

**«БИНАФША»** — ютуқли, сақлаш муддати **3 ой**, бошланғич бадал **10 000 сўм**
Омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **1 000 000 сўм** ютуқ эгаси бўлиш имкониятига эга.

**«ОФАРИН»** — муддатли, сақлаш муддати **3 ой**, бошланғич бадал **200 000 сўм**
Фоиз даромади омонатни сақлаш муддати тугагандан сўнг қўйилган маблағ билан бирга берилади.

**«ЁШ ОИЛА»** — жамғарилувчи, оила аъзоларининг бирига очилади, сақлаш муддати **6 ой**, бошланғич бадал **100 000 сўм.**
Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади.

***«ХАЛҚ БАНКИ»ДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!***

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

# ЎЧМАС ХОТИРАЛАР

*Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.*
*Абдулла ҚАҲҲОР*

Адабиётимиз фахри ва ифтихори Абдулла Қаҳҳор суҳбатидан бир неча бор баҳраманд бўлганимдан ўзимни бахтли ҳис қиламан. Жаннатмакон устозлар Миртемир, Уйғун, Комил Яшин, Шайхзода Ёзувчилар боғидаги улкан арғувон дарахтлари остидаги сўрида гурунглашиб ўтиришни хуш кўришарди. Баъзан бундай суҳбатларда Абдулла Қаҳҳор (у кишининг дала ҳовлиси анҳорнинг бу бетида, Ёзувчилар ижодий уйи эса у бетида эди) ҳам қатнашар эдилар. У кишининг ўзига хос салобати шунда эдики, юқорида тилга олинган устоз адиблар ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг келаётганини кўрганларида албатта, ўринларидан туришиб, сергакланиб қолишарди.

У киши кўпроқ Ёзувчилар ижодий уйи томонга қўнғироқ қилиш учун ўтардилар. Телефонда жудаям паст овоз билан сўзларди. Бу албатта, ижод уйида ишлаётган адибларга катта ҳурмат рамзи ҳам эди. Устоз қайтаётиб албатта, тенгдош адиблар суҳбатларига қўшиларди...

Бир гал Миртемир домла мени таништириб, «Бу йигит Андижондан, менинг шогирдларимдан Олимжон Холдор», дедилар. Абдулла ака мийиғида кулиб, бир Шайхзода, бир Яшинга қараб:

— Мен Миртемирга ҳавас қиламан, қайси вилоятга, қайси юртга бормай, мана шу арғувон дарахтларидек улкан дарахтларнинг шохларидан бир-бирларига шеър ўқиб сайраётган хушовоз булбулларни кўрганда «булар ҳам Миртемирнинг шогирдлари бўлишса керак» дейман. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади. Сиз ҳам ўша қушчалардан экансиз-да, ўғлим!..

Абдулла Қаҳҳорнинг садоқатли шогирдлари Миртемир домланинг шогирдларидан кам бўлмаса-да, у киши ўз одатларича кулиб туриб лутф қилган эдилар.

Шу куни машварат тонггача давом этди. Мен чой ташиб, чой қуйиб ўтириб, уларнинг бетакрор суҳбатларидан баҳра олдим.

Биз ўшанда республика ёш адиблари семинарига келиб, кўпчилигимиз ёзувчилар боғида турардик.

Ҳар куни семинар якунида у ёки бу устоз-шогирдлар, ёзувчилар билан учрашув ўтказиш режалаштирилган эди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Комил Яшинлар билан бўлган учрашувлар ва суҳбатлар таассуротлари ҳамон ёдимда. Уларни унутиш мумкин эмас. Абдулла Қаҳҳор билан бўладиган учрашув-семинар энг охирги кунга режалаштирилган эди. Барчамиз шу кунни орзиқиб кутардик.

Эрта тонгдан Ёзувчилар уюшмасига республика радиоси, телевидениеси, барча оммавий-ахборот воситалари, олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар, олимлар, академиклар ва адибнинг кўпдан-кўп мухлислари йиғила бошладилар. Биз каби турли вилоятлардан келган тортинчоқ ёшларга жой ҳам етмади. Мен ортда тик турар эдим. Абдулла аканинг энг яқин шогирди, дилкаш шоир Шуҳрат мени туртиб, «Нега турибсиз, олдинроққа юринг» деб қўлтиғимдан тутиб етаклади. Шуҳратни кўрган тенгдошлари Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Шукрулло унга жой бўшатишди. Биз Шуҳрат билан бир ўриндиққа қисилишиб бўлса-да, жойлашдик.

Залга жимлик чўкди. Устоз Абдулла Қаҳҳор саҳнада пайдо бўлганида қарсаклар янгради. Адиб адабиёт ва санъатнинг қудратли кучи, ёзувчининг ижод жараёни, маҳорат-илҳом, мавзу танлаш ва бошқа масалалар ҳақида гапирди. «Ёзувчи шундай бўлиши керакки, у халқи қувонган нарсадан қувонсин. Нафратланган нарсадан нафратлансин», деди.

Абдулла Қаҳҳор мавзуни худди шу ердан қидираётгандек эди.




— Абдулла аканинг асарларини ўқиганмисиз? — сўради Шуҳрат.

— Ўқиганман, ҳикоялари жони дилим, қиссалари, романлари, драмаларини биламан.

— Унда савол беринг, — деди. «Сароб»даги Саидийни сўрадим. Шунда адиб ўз-ўзидан очилиб кетиб:

— Эй-й, Миртемирнинг шогирди, андижонлик Олимжон, — деди мени таниб.

— Жуда ўринли ва жойида берилган савол, замонавий миллий адабиётимизнинг шаклланиш даврида Саидий кабилар бўлмаган, десак, албатта хато бўлар эди.

Ижодда, айниқса, ёш ёзувчи манманликдан, ишратпарастликдан холи бўлиши керак. Кўпроқ ўқиши, бағрикенг бўлиши, бадиий адабиётнинг халққа хизмати даражасини яхши англаши лозим. Бизда Саидийлар битта-иккита эмас, жуда кўп. Адабиётга адашиб кириб қолганлар истаганча топилади. Айниқса, бундай қўштирноқ ичидаги «адиб»лар радио-телевидение, редакцияларда, вақтли матбуотларда, ҳатто нашриётларда ҳам кўплаб топилади. Уларнинг ҳатто ғиштдай-ғиштдай китоблари ҳам босилади. «Улуғ танқидчиларнинг» номларидан ўзлари ўз китобларига тақризлар ёзиб, уларнинг имзолари билан чоп эттириб юрувчилар қанча! Хуллас, Саидий умумлашган тимсол, десам тўғрироқ бўлади.

Ҳаёт магнитдек ўзига тортади. Ёзувчи юз магнитни ўзига юктира олсагина китобхонни ўзига тортиб олади. Китоб чиқарганки зот ёзувчи бўлавермайди. Қўшиқ куйлаганки, ҳофиз бўлмаганидек, қофияларни бир-бирига боғлаб, шеър ёзувчилар ҳам шоир эмас. Сиз сайланмалар, девонлар тузинг, унвонлар эгаси бўлинг, халқ сизни билмаса, ўқимаса, сиз қандоқ ёзувчисиз, шоирсиз?! Адабиёт бу ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

Мен яна бир янги асаримни ёза бошлаганимда ҳаётда янгидан туғиламан, энди бошловчи ёзувчи бўлиб қўрқиб ишлайман. Албатта, етарли тажрибам бўлса-да, мавзу йўналиши шуни тақозо этади.

Шундан кейин Абдулла Қаҳҳор чўнтагидан дафтар чиқариб уни варақлай бошлади. «Мен у ёки бу асарни ёзишдан аввал жуда пухта ҳозирлик кўраман. Асар сюжетидан тортиб қаҳрамонимнинг таржимаи ҳолигача, унинг феъли атворигача, бўйи-басти, афти-башарасигача, ҳатто унинг жаҳли чиққанда ғазабланиб сўкишларигача ёзиб чиқаман. Яна бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсам, ўша рамзий тимсол ким, унинг асл исми-шарифи ҳамма-ҳаммасини худди рассомлардагидек чизиб оламан. Ахир йўқ одам ҳақида ёзувчи ўзидан тўқиб яратмайди-ку... Китоб битгунча (қўлёзма) мавжуд одамларни ҳаракатга келтираман. Асар тайёр бўлгач, кимни назарда тутган бўлсам ўша одамнинг исми-шарифи ўрнига бошқа одамнинг номини қўшиб алмаштираман. Қарабсизки, танқидчилар айтган «бири-бирига ўхшамас бетакрор тимсоллар пайдо бўлибди».

Шуни яхши билингки, бор одамлар ҳақида қалам тебратсангиз, улар ҳеч қачон бир-бирларига ўхшамайдиган тимсолларга айланади. Ёзувчи тўқиган тимсоллар эса истаса ҳам, истамаса ҳам ҳамма вақт юзаки, сохта чиқади. Кўп ҳолларда уларнинг Ҳасан-Ҳусанларга ўхшаб қолишлари шундан...

Мен ҳозирги ёшларни ёшлигимга, уларнинг дастлабки асарларини ўзимнинг дастлабки асарларимга қиёс қилиб, шундай фикрга келмоқдаман. Биз ёш ишчи — кечки мактаблардан адабиётга кириб келган бўлсак, ҳозирги ёшлар университетлардан, турли тилларни мукаммал эгаллаган ҳолда кириб келишларининг ўзи қувонарлидир...»

Учрашувда саволлар ёғилиб кетди. Абдулла Қаҳҳор ҳар бир саволга пишиқ-пухта ва аниқ жавоблар берар, саволларни шошмай дафтарига ёзиб оларди.

Шундай қилиб, Абдулла Қаҳҳор билан бўлган унутилмас учрашув ўчмас хотирага айланди.

**Олимжон ХОЛДОР,**
**Ўзбекистон санъат арбоби, профессор**



Ҳаётий ҳикоя

# ЯХШИЛИК

***Бу воқеа урушдан кейинги йилларда бўлган. Қиш охирлаб, бир-бирига туташ баланд Қўйтош тоғ ёнбағирларида баҳор нафаси уфуриб қолган, ҳаво ҳарорати кун сайин кўтарилиб, табиат янада яшнаб, чирой оча бошлаганди.***

Кўчимизни эшакларга ортиб, сигир-бузоқ ва ўн чоғли қўй-эчкиларни ҳайдаб отам иккимиз Қўштўба томон йўл олдик. Тик довон ошиб манзилимизга етгач, бўлғуси «қароргоҳ» — қора уй (ўтов) учун яйловнинг кунгай томонидан жой ҳозирлаб, керагаларни ўрнатишга киришдик. Керагалар толнинг шохларидан саралаб олинади. Уларни қандай тайёрлашни қозоқ биродарларимиз ўргатишган экан. Бу яйловдан-яйловга кўчиб юришимизда бирмунча қулайлик туғдирарди. Шу куни қош қораймасдан керагаларнинг тевараги ва усти кигиз билан қопланиб, арқон тортилиб маҳкамланди. Кейин уй-рўзғор буюмларини саранжом-саришталаб қўйдик.

Қора уй ҳаммада ҳам бўлавермас, кўплар яқинимиздаги Чуқурсой, Ялтирсой ва Илонўтди яйловларига кўчиб, бўйра ва шох-шаббалардан чайла тикиб олишарди. Молларимиз кун бўйи яйловларда боқилар, кеч бўлиб қолганини ҳам сезмасдик. Оёқлари узун, бақувват ва йирик панжали олапар итимиз молларни турли хавф-хатарлардан қўриқлаб турарди. Ўша йили баҳор яхши келганиданми онам кади-кади сут соғиб олар, қозонда пишириб, уйнинг шифтига илиб қўярди. Ўчоқлар ёнида арча, писта ва тоғ олчаларнинг қуриган шохларидан ўтин тайёрлаш эса менинг зиммамда эди.

Ана шундай серташвиш кунларнинг бирида уйимизга меҳмонлар келишди. Уларнинг ёши улуғи новча бўлиб, қошлари бир-бирига туташиб кетган, иккинчиси эса шопмўйловли, истараси иссиқ мўйсафид эди. Отам улар билан қучоқ очиб, қўл олишаркан, беихтиёр кўзига ёш олди. Меҳмонлар сўрига чиқишгач, суҳбат чоғида уларнинг қўшни вилоятда яшаши ва отам билан урушда бирга бўлганлигини билиб олдим. Шу оқшом қуролдош дўстлар хурсандчилигининг чеки-чегараси йўқ эди.

Қора уйга кираверишдаги ўчоқда ёнаётган ўтиннинг қуюқ тутуни шифтдаги туйнукдан чиқиб, ажиб манзара касб этар, қумғон шақирлаб қайнар, суви чўғга сачраб чарсилларди.

Бир пайт дастурхонга илон боласи яқинлашиб, нон ушоқларини ейишга энди чоғланганида меҳмонларнинг шопмўйловлиси бўш турган сопол косани унинг устига тўнкариб ёпиб қўйди. Буни кузатиб турган отам меҳмон кўнгли учун чурқ этмади. Шундай хатти-ҳаракатни агар мен қилганимда отам кечирмаган бўларди.

Оқ илонлар ўта заҳарли бўлиб, уларни мол-давлат илонлари деб ҳам атардик. Оиламизда ҳеч ким совуқ бу жониворларга озор етказмас, уларнинг ҳам бизга зиёни тегмасди. Шу вақтга қадар улар билан қора уйда ёнма-ён, тинч-тотув ва хотиржам яшаб келаётган эдик.

Онам дастурхонни йиғиштираркан, сопол коса тагидаги илон боласига кўзи тушиб ҳайрон бўлди. Мурғак жонивор ўрмалаганича бир зумда қоронғулик қўйнига сингиб кўздан ғойиб бўлди. Суҳбат қўр олиб биз «ушланиб» қолган илон боласига кўп эътибор бермаган эдик.

Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Меҳмонлар энди дам олишга ҳозирлик кўришаётганда уй шифтида осиғлик кадиларнинг бири «тап» этиб тушиб кетди. Гиламга тўкилган сутда қоп-қора доғларни кўриб кўнглимиз беҳузур бўлиб кетди. Шифтда эса муаллақ осилиб турган ип ёнида оқ илонга кўзи тушган меҳмонлар баттар хавотирга туша бошлашди. Илон бир уй одамнинг ҳаловатини бузганди.

— Илон иши — заҳар солмоқ, — деди меҳмонларнинг ёши улуғи.

Шунда отам ҳам келар гапни айтди-қўйди:

— Халқимизда ётган илоннинг қуйруғини ҳам босмаслик керак, деган нақл бор. Ёмонни яхшилик билан енгиш мумкин.

Шунда шопмўйловли меҳмон илон боласини бекордан-бекор «ушлаб» тургани, она илоннинг эса қасдлашиб қолиб, биздан ўч олмоқчи бўлгани ва оқибати нима билан якунланганлигини англаб ўнғайсизланиб қолди.

Афтидан, илон боласи дастурхон ёнида «ушланиб» қолганида она илон биздан ўч олмоқчи бўлиб шифтдаги кадиларнинг биридаги сутга заҳарини сочган, кейин эса боласининг тирик эканлигини пайқагач, оғу солинган идиш ипини тишлаб узган кўринади.

Тонг ёришгач, чойдан сўнг шопмўйловли меҳмон кетар чоғида:

— Хатолик учун узр. Зарари тегмаган «қўшни»нинг фойдаси текканы шу экан, — деди биз билан хайрлашаркан.

Мен бу гапларнинг маъносига кейинчалик тушуниб етдим.

**Абдулла САИДОВ**

# БУ МЕНИНГ БАҲОРИМ

## (қатра)

***Хомуш кайфиятда ташқарига чиқдим. Шу тобда юзларимга илиқ бир насим келиб урилди-ю, хаёлларим тўзғиди. Эски ғамнок ўй-хаёллар қайларгадир учиб кетди. Ўрнига қувноқ туйғулар оқиб кела бошлади. Чарақлаб кетган кўзларим атрофга ўзгачароқ термулди, юзимга ним табассум ёйилди.***

Насим яна ўйноқлаб ўтди. Қулоқларимга болажонларнинг қий-чувлари эшитилди. Улар ҳаммадан олдин пешвоз чиқишибди-да деб қўйдим. Энтикиб кетдим, уларга қўшилиб ўйнагим, осмонни варракларга тўлдиргим келди. Болалар ёнига қандай борганимни, акаларига йиғламсираб қараб турган кичкинтойга қандай варрак ясаб берганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Ҳа, мен уни энди аниқ ҳис қила бошладим. Фаслга монанд кайфият бутун вужудимни, руҳиятимни қамрай бошлади.

Минг йиллар излаганим, қачонлардир азиз бўлгану, йўқотиб қўйган қадрдонимни қайта топгандай суюнаман. Мен уни топганим аниқ. Бу — менинг баҳорим.

Баҳорим, баҳоржон, дейман уни бағримга босганча. Сен сеҳргарсан, ифорларинг билан, сайроқи қушларингу кўм-кўк майсаларинг, яшилланаётган дарахтларинг билан кўнгилни шодлантирасан. Аввал табиатни уйғотасан, зум ўтмай бу уйғоқлик инсонга кўчади.

Шоир қаламини излаб қолади, ҳофиз торини... Чўпон таёғини, деҳқон кетмонини... Ҳамма янгиликка иштиёқ сезади ўзида, ижодга рағбат туяди. Энг эзгу орзулар баҳорда туғилади. Кўнгилники уйғотгувчи экан, баҳорни суймай бўладими.

Баҳорим, баҳоржон, дейман, сен ёшликсан. Ташрифингни кўриб тўқсон яшар момо ҳам қалбида завқ-шавқ туяди, ўзига пардоз беришга, қошларига ўсма қўйишга, кўзларига сурмалар суришга ошиқади. Атроф чуғур-чуғурга, куй-навога тўлиб кетади, байрамлар куйларга уланади. Термулиб тўймайсан, суюниб тўймайсан киши. Баҳорим, сен покликсан. Шаррос ёмғирларинг кўнгилни ювади. Ташвишлар, изтироблар туфайли ғубор тортган дилни тозалайди. Энг бадбин кимса ҳам қалбининг тубида аллақандай ҳайратни ҳис қилади сенга қараб.

Баҳорим, баҳоржон. Мунисгинам, меҳрибонгинам. Эгнимдаги қиш либосини ечарканман, гўё қалб қулфларини ечгандай сезаман ўзимни. Сувларнинг шарқироқ оҳангига жўр бўламан, гулларнинг кулгусига қўшиламан, насимларнинг навосидан уйғонган туйғулар ёмғирларнинг мавжларида улғаяди. Тўлиб-тошган қалбимни сенга бўшатаман. Сен уларни дов-дарахтга берасан. Дарахт қушларга... қушлар янги либосларга ўраб, янги оҳангларга чирмаб менга тутадилар туйғуларимни. Мен янги шавқ туяман. Бу шавқ янги ҳаётга бошлайди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# УМР БЕКОР ЎТМАДИ

## Лавҳа

(Боши 3-бетда)

Бу даргоҳда Раиса опа билан биргаликда бир қатор касаба уюшма фидойилари меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида изчил саъй-ҳаракат кўрсатаётир. Сираси бу эзгу ишларнинг барчаси мавжуд жамоа шартномаларида кафолатланган.

Ишчи-ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш кун тартибидаги долзарб вазифалардан. Масалан, ўтган 2006 йил сиҳатгоҳлар ва дам олиш уйларига 86 та, меҳнат аҳлининг ўғил-қизлари ёзги дам олиш мавсумида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун 50 та йўлланма ажратилди. Шунингдек, «Тошкент денгизи», «Қизилсой» дам олиш зоналарида ва «Чорвоқ оромгоҳлари»да ҳам 494 нафар аъзо тоза ҳаво қўйнида ором гаштини сурди. 200 нафар спорт ишқибози эса Митрофанов ҳавзасида саломатлигини мустаҳкамлади. Хусусан, соғломлаштириш мақсадлари учун 18 миллион сўм сарфланди.

Бундан ташқари, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва маданиятини юксалтириш бугунги пайтда муҳим тадбирлардан саналади. Инчинун, бу борада амалга оширилаётган ишлар чакки самара бермаяпти. Жумладан, касаба уюшмага ёрдам сўраб келган 48 нафар кишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. «Карвон» бирлашган касаба уюшма қўмитаси атрофидаги хўжалик ташкилотлари, шунингдек, қўмитанинг ўзи ҳам саховат карвонидан четда қолмаяпти. Жумладан, ўтган йил ҳомийлик ёрдами учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилган эди. Анъана бу йил ҳам давом этаётир.

Бинобарин, юритилаётган бундай эзгу фаолиятда, шак-шубҳасиз, Раиса Умарованинг ҳам ҳиссаси бор. «Карвон» бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Людмила Анатольевна Тен иккиси аҳиллик билан бамаслаҳат иш юритмоқда. «Раиса Холматовна ишнинг кўзини билади. Тутган жойидан кесади, — дейди раис. — Менга Раиса Холматовнанинг ҳақиқатгўйлиги, адолатпарварлиги ёқади. Ўйлаганини шартта юзга айтади. Орқадан гапириб ўтирмайди», деди бирлашма ходими Гули Ғуломова.

Умр бир бор берилади. Унинг ҳар бир кунидан нимадир топиб яшашнинг ўзи саодат. Кичик ниҳол эди, катта дарахт бўлиб мева берди. Элнинг ундан, унинг элдан кўнгли тўлди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

Болалар спорти

# ИЗБОСКАНДА ЧЕМПИОНЛАР КЎП

## улар жаҳон майдонларига кўз тикишмоқда

***Избосканлик спортчи ёшлар эришаётган ютуқлар нафақат Андижон вилоятида, балки республикада ҳам маълум. Айниқса, муай-тай ҳамда юнон-рум кураши турлари бўйича кўрсатилаётган натижалар қувонарлидир.***

Туман халқ таълими бўлими тасарруфида бугун 2 та БЎСМ ҳамда болалар, ўсмирлар футбол мактаби фаолият юритяпти. Уларда 1640 нафар ёшлар маҳоратларини ошираётир. Шунингдек, ака-ука Мамажоновларнинг хусусий спорт мажмуасида ҳам 100 нафар юнон-рум кураши ишқибозлари мунтазам машғул. Улар ХТБ мураббийлари Алижон Мирзаҳолов ҳамда Нозимжон Мирзаевлар қўл остида ушбу спорт тури сирларини қунт билан ўрганишмоқда. Шу ўринда бу ерда ҳар йили сентябр ойида ўтказиладиган анъанавий халқаро турнир тажриба мактаби вазифасини ўтаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан берилаётган жиҳозлар ҳамда янги қурилган ёки таъмирдан чиқарилган иншоотларда болажонлар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

— Спорт жиҳозлари, коптоклар, шароитлар масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ, — дейди туман ХТБ спорт йўриқчиси О.Ибрагимов.

— Биз кўрсатилаётган эътибордан мамнунмиз. Ёшларимиз ҳам шунга яраша натижалар кўрсатишяпти. Кўплаб мактабларимизда спорт заллари кенгайтирилиб, таъмирланмоқда. Ўтган йил мобайнида жами 35 миллион сўмлик спорт жиҳозлари берилди. Келажакда янги-янги тўгараклар очишни режалаштирганмиз. Хусусан, бадиий гимнастика ҳамда катта теннис турларига эътибор қаратилади.

Муай-тай избосканлик ёшларнинг севимли спорт турига айланган. 1996 йилдан фаолият кўрсата бошлаган тўгаракда шуғулланаётган маҳаллий ёшлар жаҳон ва Осиё чемпионатларида зафар қучиб келмоқда. Уларнинг Ўзбекистон терма жамоаси ўзагини ташкил этгани ҳам бежиз эмас. Терма жамоанинг 8 нафар аъзосидан 6 нафари избосканлик спортчилардир.

Яқинда Алмати шаҳрида муай-тай бўйича Қозоғистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда миллий терма жамоа сафида 6 нафар избосканлик муай-тайчилар ҳам иштирок этиб, 4 та медални қўлга киритди. Ёшлардан Д.Мирзаев (51 килограмм) ҳамда М.Собиров (54 килограмм)лар олтин медал эгаси бўлди. А.Назаров, А.Тожибоевлар эса совриндорлар сафидан жой олишди. Мураббий Орифжон Ибрагимовнинг таъкидлашича, ушбу мусобақа май ойида Эронда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати олдидан тайёргарлик вазифасини ўтади. Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам эришилаётган натижалар чакки эмас. Масалан, стол тенниси бўйича қизлардан Дилафрўз Ортиқова республика биринчилигига йўл олди. Белбоғли кураш бўйича эса Зулайҳо Мадраҳимова мамлакат биринчилигида ғолибликка эришди.

Ҳали бу бошланиши. Келгусида насиб этса избосканлик ёшлар Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳам зафар қучишади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши АСМ ходимлари Қашқадарё вилояти Трестлар ва қурилиш ташкилотлари Касаба уюшмаси қўмиталари раислари кенгашининг раиси Шуҳрат Бегамовга отаси

**АБДУҲОЛИҚ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Марказий Кенгашнинг Самарқанд вилояти бўйича вакили Сайфулло Раҳимовга акаси

**ХАЙРУЛЛО**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АРХИТЕКТУРА, ПРОЕКТЫ И СТРОИТЕЛЬНО РЕМОНТНЫХ РАБОТ
Ф/О ЛЮБАЯ.
Тел: 340-99-37

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O.K.U.F. F.T.U.U.

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 23.30

Буюртма Г — 214

Тиражи: 19219



23456